

УДК: 735.515

**ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ
УМУМТЕХНИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ЭВРИСТИК МАСАЛАЛАР
ВОСИТАСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-
ШАРОИТЛАРИ**

Турдиев Ж.П.

(Тошкент давлат техника университети, катта ўқитувчиси)

Резюме: Ушбу мақолада профессионал таълимдаги бакалаврларнинг умумтехник тайёргарлигини эвристик масалалар воситасида такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари ва имкониятлари, битирувчилари умумтехник жиҳатдан қанчалик даражада яхши тайёргарлик кўрган ва касбий педагогик компетентлиги юксак бўлса, улар шунчалик даражада рақобат бардош бўлади ва меҳнат бозорида кўпроқ талаб этилади. Профессионал таълимдаги ўқитиш жараёнида эвристик ёндашувнинг асосий мақсади ва вазифаси ўқувчиларда танлаган касби (мутахассислиги) бўйича касбий маҳорат асосларини шакллантириб, уларни эгаллаётган касби бўйича бўлғуси касбий-меҳнат фаолиятига амалий тайёрлаш бўйича билимлар берилиши ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: профессионал таълим, эвристик ёндашув, эвристика, дидактик эвристика, мутахассислик, эвристик таълим, умумтехник тайёргарлик, умумкасбий, ўқитиш мазмуни.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассмотрены педагогические условия и возможности совершенствования общетехнической подготовки бакалавров профессионального образования за счет эвристических вопросов, чем лучше будет общетехническая подготовка выпускников и чем выше их педагогическая компетентность, тем конкурентоспособнее они будут и тем более востребованы в рынок труда. Основная цель и задача эвристического подхода в процессе обучения в профессиональном образовании состоит в том, чтобы сформировать основу профессиональных умений по избранной профессии (специальности) и обеспечить обучающихся знаниями для практической подготовки к будущей трудовой деятельности по профессии.

Ключевые слова: профессиональное образование, эвристический подход, эвристика, дидактическая эвристика, специализация, эвристическое образование, общетехническая подготовка, общепрофессиональное, содержание обучения.

SUMMARY

This article discusses the pedagogical conditions and opportunities for improving the general technical training of bachelors of vocational education through heuristic questions,

the better the general technical training of graduates and the higher their pedagogical competence, the more competitive they will be and the more in demand in the labor market. The main goal and task of the heuristic approach in the process of training in vocational education is to form the basis of professional skills in the chosen profession (specialty) and provide students with knowledge for practical preparation for future work in the profession.

Key words: vocational education, heuristic approach, heuristics, didactic heuristics, specialization, heuristic education, general technical training, general professional, training content.

Техника олий таълим муассасалари талабаларининг умумтехник тайёргарлигини эвристик масалалар воситасида такомиллаштириш учун олий таълим муассасаларида зарурий педагогик шарт-шароитларни таъминлаш бўлажак профессионал таълим ўқитувчисининг умумтехник тайёргарлигини такомиллаштиришнинг педагогик асосларини ишлаб чиқиш, психологик-педагогик шароитларини аниқлаш ҳамда уларнинг умумтехник тайёргарлигининг такомиллашганлик даражасини аниқловчи мезонларни асослаш лозим. Бу мезонлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида ўз аксини топган. “Профессионал таълим” йўналиши талабаларининг умумтехник тайёргарлигини эвристик масалалар воситасида такомиллаштириш учун олий таълим мазмуни ва сифатини оширишда инновацион технологияларнинг жадал қўлланилиши ҳамда эвристик ёндашувларни жорий этилиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги вақтда эвристик методлар бўлажак бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларининг умумтехник тайёргарлигини такомиллаштиришнинг самарали воситаси эканлиги назарий жиҳатдан маълум даражада исботланган. Чунки, педагогик эвристика мустақил илмий-педагогик йўналиш сифатида XX асрнинг охирларида шаклланди. Профессионал таълим тизимида талабаларнинг барча таълим йўналишлари бўйича касбий тайёргарлигини ривожлантириш учун эвристик усуллардан кенг доирада муваффақиятли масалалари долзарблик касб этмоёда, чунки эвристика ижодкорлик, креативлик, янгилик яратиш элементи сифатида кўплаб замонавий касбларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Олий таълим муассасалари талабаларида қуйидаги эвристик кўникмаларни шакллантиришга кўпроқ эътибор қаратилган: ижодий салоҳият, эвристик компетенциялар ва эвристик фикрлаш.

Профессионал таълим амалиёти кўрсатадики, техника олий таълим муассасаларининг 60112400 – Профессионал таълим (транспорт воситалари муҳандислиги (автотранспорт)) битирувчилари умумтехник жиҳатдан қанчалик даражада яхши тайёргарлик кўрган ва касбий педагогик компетентлилиги юксак бўлса, улар шунчалик даражада рақобот бардош бўлади ва меҳнат бозорида кўпроқ талаб этилади.

Эвристика қадимги Юнонистонда янги ностандарт масалаларни ечишда ишлаб чиқилган усулларнинг бутун мажмуаси асосида кенг қўлланилган. Бунда усуллар мажмуаси қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: масалаларни охиридан бошлаб ечиш (регрессив мулоҳаза юритиш), таҳлилнинг икки тури – “топиш ва исботлаш” га доир масалаларини ечиш. Бу масалалар инсон ақли ва тасаввурини фаоллаштиришга йўналтирилади. Интеллектуал фаолият – бу мантиқий ва эвристик қоидалар, операциялар тизими бўлиб, бунда ахборот таҳлил қилиниб, янги ахборотларга айлантирилади. Тасаввур – бу янги нарсаларни куриш, тимсоллар ёрдамида инсон онгини қайта куриш жараёнидир.

Таълимда эвристик ёндашувни амалга оширишни таъминловчи педагогик шарт-шароитларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1) таълим жараёнида таълим олувчилар томонидан таянч техник қўникмаларнинг ўзлаштирилишини ва шу асосда уларда умумтехник тайёргарликнинг такомиллашишини таъминловчи дидактик шарт-шароитлар (таълимнинг мақсади, мазмуни, шакллари, методлари ва ўқитиш технологиялари);

2) ижодий фикрлашга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш учун зарур бўлган ташкилий-бошқарув шарт-шароитлари (таълим жараёнини ташкил қилиш ва бошқаришнинг шакллари, воситалари ва усуллари);

профессional таълим йўналиши бакалаврларини касбий таълимда эвристик ёндашувини амалга оширишга тайёрлаш ва умумтехник тайёргарлигини эвристик масалалар воситасида такомиллаштиришга йўналтирилган таълим жараёнининг ўқув-методик таъминотини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган касбий-методик шарт-шароитлар.

Техника олий таълим муассасалари талабаларининг умумтехник ижодий тайёргарлиги ҳақида фикр юритар эканмиз, аввало умумтехник ижодий тайёргарликнинг моҳиятини мукамал таҳлил қилиб олиш зарур. Умумтехник ижодий тайёргарлик моҳиятини ўрганиш, айтиш жоиз бўлса, ўта мураккаб масала саналади, чунки унинг зиммасига техникани, инсонни ва табиатни ўрганишнинг муҳим методологик масалаларини ечишдек масала қўйилади. Умумтехник ижодий тайёргарликни такомиллаштириш манбалари, техник, технологик, биологик ва ижтимоий, объектив ва субъектив, индивидуал ва жамоа ўртасидаги ўзаро муносаббатларни бу жараёнлар ўз ичига қамраб олади.

Хулоса қилиб айтганда, техника олий таълим муассасалари профессионал таълим йўналиши бакалаврларининг умумтехник тайёргарлигини эвристик масалалар воситасида такомиллаштиришда ҳам процессуал, ҳам шахснинг ижодий сифатлари такомиллашиб бориши лозим.

Демак, техника олий таълим муассасалари профессионал таълим йўналиши бакалаврларининг умумтехник тайёргарлиги касбий педагогик тайёргарликнинг мураккаб тузилмаси бўлиб, унинг фаолиятини аниқлаб беради ва умуммаданий,

умумтехник билимлар, маҳорат, кўникмалар, умумтехник ижодий ёндашув, шахснинг ижтимоий йўналтирилганлиги, умуман, умумтехник масалалар самараси ечим топишни таъминловчи мажмуадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони. www.lex.uz.
2. Турдиев Ж.П. Профессионал таълимда ишлаб чиқариш таълимининг методик таъминоти масалалари. Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар, №4, 2020. –Б. 22-26.
3. Турдиев Ж.П. Касб-хунар коллежларида назарий ва амалий таълимни ташкил этиш Ж-л: Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар, №1, 2020.
4. Самадходжаева Д., Турдиев Ж.П., Таълим жараёнида шахсга йўналтирилган таълим технологиялари. Гармонично развитое поколение – условие стабильного развития Республики Узбекистан. Сборник научно-методических статей. Ташкент, 2019 й. 216-218 бб.